

ЙИҒИЛИШ ҚАРОРЛАРИНИ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ АСОСЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ГЕНЕЗИСИ

Хасанова Сарвиноз Ўктамжон қизи

Тошкент давлат юридик университети

Мустақил изланувчиси

Тел: +99890-936-82-94

Инсоният тарихида кенгашиб иш тутиш ҳар доим қадрланиб келган. Ўзбек халқида бежизга “маслаҳатли тўй тарқамас” деган мақол бекор айтилмаган. Илгаридан жамоавий руҳ кучли бўлган ўзбек ҳамжамиятида йиғилишиб муаммоларга ечим топишга бўлган интилиш азалдан қадрланган. Халқ курултойлари, йиғилишлари, маслаҳатлашув ёки оқсоқоллар кенгаши шаклида қарорлар қабул қилиш мамлакатимиз тарихида кўплаб масалаларнинг ечимини топиш воситаси бўлганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Ҳ.Бобоев қадимги Турондаги Алп Эр Тунга давлатлари хусусида сўз юритиб қуйидаги фикрни билдиради “у давлатни идора қилишда олимлар, шоирлар, сарой аёнлар мутахассислар билан кенгашган, маслаҳатлашган ҳолда иш юритган, қадимги Шарқда ҳукмдорларнинг ана шу фазилатларига қараб уларни маърифатпарвар, адолатли шоҳ ёки аксинча у кўпроқ ўз манфаатини ўйлаб халққа зулм-зўрлик сиёсатини олиб борган бўлса адолатсиз шоҳ дея фикр юритганлар”¹. Айрим муаллифлар қадимги Паркана давлати мисолида оқсоқоллар кенгашининг ўрни хусусида фикр юритишиб “оқсоқоллар кенгаши мамлакат ижтимоий, сиёсий ва ташқи муносабатларида фаол иштирок этиш билан бир қаторда олий ҳукмдор фаолияти билан боғлиқ тадбирларда қатнашиш қудратига ҳам эга бўлган. Уруш очиш, сулҳ тузиш, янги ҳукмдорни тайинлаш, уни тахтдан маҳрум этиш каби тадбирларда оқсоқоллар кенгаши етакчи ўрин тутганлигини кўрсатувчи гувоҳликлар талайгина”².

Темур тузукларида ҳам кенгашиб иш тутиш борасида кўплаб мисолларни келтирилиши мумкин. Хусусан “Тузуклар”даги “Салтанат ишларининг тўққиз улуши машварат, тадбир ва кенгаш, қолган бир улуши эса қилич билан боғлиқ”, “Ишларимнинг барисида аввал кенгаш – маслаҳат

¹ Бобоев Ҳ. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Биринчи китоб. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. – 63 б.

² Давлат ва ҳуқуқ тарихи: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик / Ҳ.Т. Одилқориев, Н.П. Азизов, Ҳ.Р. Мадиримов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – 20 б.



қўлладим”, “Ҳар кимдан кенгаш сўрардим”³, деган фикрлар исбот бўла олади. З.Мукумовнинг фикрича, “бу тамойил, юқорида келтирилганидек, Қурултой, Давлат кенгаши, шариат пешволари ва олимларидан маслаҳат олиш, ҳарбий санъатни мукамал биладиган аскарбошилар билан якка тартибда кенгашиш орқали амалга оширилган”⁴.

Фуқаролик-ҳуқуқи ҳамжамият сифатида Ўзбекистонда ислом ҳуқуқи асосида фаолият юритган ширкатлар ҳам муайян машварат ва кенгаш асосида иш тутишлари лозимлиги тарихий-ҳуқуқий тадқиқотлар ўз исботини топган. Бунда “Ширкати – муфавазат”, “Ширкати – инон”, “Ширкати – вуджух”, “Ширкати – санаия”⁵ каби шериклар ўзаро маслаҳатлашиб, йиғилишиб қарор қиладиган ширкатлар мавжуд бўлганлиги маълум.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон тарихида ҳам фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги йиғилиш қарорлари ва улар асосда ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг вужудга келиши кўплаб ўринларда кузатилган ва одатда булар ислом ҳуқуқи қоидаларига мувофиқ амалга оширилган. Масалан, “ширкатул абдон вал аъмол, яъни касб-хунар ва жисм бирлашган ширкат деб аталиб (мазкур ширкат турига фақат ҳанафий ва моликий мазҳабида рухсат берилган, шофеъий мазҳабида ботил саналади), аслида у хунармандларнинг биргаликдаги ширкати”⁶ ўзаро кенгашиб, йиғилиш асосида қарор қабул қилиб фаолият юритган. Албатта ўша даврларда бугунги юридик шахсларда бўлгани каби расман йиғилишларни белгиланган тартиб ва таомиллар асосида, иштирокчиларни рўйхатдан ўтказиб, кун тартибини олдиндан иштирокчиларга тарқатиб, йиғилиш баённомасини юритиб, расмий овоз бериш ва уни қайд эттириб йиғилиш ўтказилмаган бўлсада, бироқ муайян турдаги ҳуқуқий оқибат туғдирадиган тегишли қарорлар қабул қилинган.

Таъкидлаш лозимки, йиғилиш қарорлари – бу хорижий ёки миллий фуқаролик қонунчилигида ҳали аниқ догматик талқинини олмаган конструкция саналади. Бироқ, қонунчилик даражасида мазкур конструкцияга оид муайян элементлар ўз ифодасини топган ва олимлар, айниқса Германия, Австрия, Швейцарияда, уларнинг ҳуқуқий табиати

³ Темур тузуқлари. – Тошкент: 1996. – Б. 25-26.

⁴ Зиёдулла М. Амир темур тузуқлари (Тарихий-ҳуқуқий тадқиқот). – Самарқанд: 2008. – 83 б.

⁵ Раҳмонкулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – 51 б.

⁶ Исхаков С.А. Ислом фуқаролик ҳуқуқи асослари: Ўқув қўлланмаси. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005. – Б. 85-86.



тўғрисида кўплаб мулоҳазаларни илгари суришган ва бу биринчи навбатда, уларнинг хулосаларини тадқиқ қилишга ва кейинги қиёсий ҳуқуқий таҳлилга ундайди.

Албатта, йиғилиш қарорлари юридик фактларнинг бир тури бўлганлиги сабабли ҳам бу борадаги дастлабки ҳуқуқий қарашлар ҳам айнан юридик фактлар тўғрисидаги қоидаларни қонунчиликка киритиш билан бошланган. Агар Наполеон кодексига мурожаат қилсак, шуни таъкидлаш мумкинки, юридик фактлар ҳам фуқаролик муносабатларининг пайдо бўлишига асосланади ёки уларни ўзгартириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Унинг муҳим қоидалари ҳар бир аниқ вазиятда ҳақиқий ҳолатлар ва тегишли субъектив ҳуқуқларнинг пайдо бўлишини тартибга солувчи қонун қоидалари ўртасидаги бевосита боғлиқликни кузатиш ва натижада тегишли ҳуқуқий нормани қўллаш имконини берадиган тарзда шакллантирилган. Масалан, ушбу кодекснинг биринчи китоби (“шахслар тўғрисида”) фуқароларнинг ҳуқуқий мақомини, туғилиш, фуқаролик, маълум бир ёшга етиш, никоҳ ёки ажралиш, болалар туғилиши ва ҳоказоларда назарда тутилган субъектив ҳуқуқларининг чегараларини тартибга солишга қаратилган. Ўз навбатида, Наполеон кодексининг учинчи китобида мулкка эгалик қилиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган юридик фактлар, шу жумладан мерос, васият, хайр-эҳсон, кашфиёт ва бошқалар келтирилган. Кодекснинг 1370-моддасига кўра баъзи мажбуриятлар (ҳуқуқий муносабатлар) шартнома бўлмаган тақдирда, лекин қонун асосида ёки мажбурий шахснинг шахсий ҳаракатлари (квази-келишув) натижасида юзага келиши мумкин, ҳолбуки 1382-моддага мувофиқ зарар етказган ҳаракатлар ҳам бундай зарар етказиш мажбуриятини келтириб чиқаради.

Шуни таъкидлаш керакки, мажбурият ҳуқуқи ислоҳотидан сўнг Франция фуқаролик кодекси (кейинги ўринларда ФФК) сезиларли ўзгаришларга дуч келди. Франция шартнома қонунчилигини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари 2015 йил 16 февралдаги “Одил судлов ва ички ишлар соҳасидаги ҳуқуқий нормалар ва таомилларни модернизация қилиш ва соддалаштириш тўғрисида”⁷ги қонун билан белгиланди. Киритилган ўзгаришлар ФФКга алоҳида ўзгартиришлар эмас, балки ягона нормалар

⁷ À la modernisation et à la simplification du droit et des procédures dans les domaines de la justice et des affaires intérieures: Loi № 2015-177 du 16 février 2015 <<https://www.legifrance.gouv.fr/affichTexte.do?cidTexte=JORFTEXT000030248562&dateTexte=20180331>> (accessed: 28.01.2019).



тўплами ҳисобланади, улар орасида нафақат тубдан янги, балки илгари амалда бўлган, шунингдек фақат техник тусдаги ўзгаришлар ҳам мавжуд. Янги қоидалар 2016 йил 1 октябрда кучга кирди ва “мулкни олишнинг турли усуллари тўғрисида”ги учинчи китобига киритилди. Ўрганилаётган масалалар нуқтаи назаридан ФФКнинг 1100-моддаси катта қизиқиш уйғотади, унга кўра мажбуриятлар ҳуқуқий ҳаракатлар, юридик фактлар ёки тўғридан-тўғри қонундан келиб чиқади. Улар ихтиёрий равишда бажариш ёки бошқалар олдидаги виждон бурчини бажариш ваъдасидан келиб чиқиши мумкин (французча: *la promesse d'execution d'un devoir de conscience envers autrui*). Иккинчиси табиий (асл) мажбуриятни фуқаролик мажбуриятига айлантиришда воситачилик қилади (масалан, агар табиий мажбурият қарздор ўзини ўзи бажаришга мажбур қилган бўлса ёки ушбу мажбуриятни бажаришни бошлаган бўлса). ФФКнинг 1100-моддаси табиий мажбуриятларни тартибга солувчи бир нечта ёзма қоидалардан бири эканлигини айтишимиз мумкин.

Юридик фактлар ГФТда ҳам Франция фуқаролик ҳуқуқидаги каби маънога эга⁸. Унинг кўплаб моддаларида аниқ юридик фактларга тўғридан-тўғри муурожаат мавжуд: масалан, туғилган пайтда шахснинг ҳуқуқий лаёқати пайдо бўлиши (1-§), вояга етмагanning иродаси амал қилиши учун қонуний вакилнинг розилиги (107-§), кредитор томонидан қарздан воз кечиш (397-§), ягона мақсадга эришишга кўмаклашиш бўйича компания шартномаси (705-§), васий мақомини олиш учун васиятнома фармойишидаги кўрсатма (1777-§) ва ушбу ҳужжатнинг бошқа моддаларида назарда тутилган бошқа ҳолатларни кўрсатиш мажбурияти.

Юқоридагилар фанда ҳам, қонунчиликда ҳам юридик фактни тушуниш ҳуқуқий позитивизмнинг сезиларли таъсирини ҳисобга олган ҳолда, шу жумладан Г.Дернбург, Р.Зома, Г.Пухти, А.Тон, Е.Цителман, Л.Эннекцерус ва бошқалар олимларнинг илмий қарашлари асосида расмий догматик ҳуқуқшуносликка мувофиқ шаклланган деган хулосага асос беради.

Пандект ҳуқуқининг юридик фактларни тушунишга бундай ёндашуви Германияда XIX аср давомида ҳукмронлик қилган. 1887 йилда Б.Виндшейд ҳуқуқларнинг пайдо бўлиши, тугатилиши ва ўзгартирилиши содир бўладиган фактик ҳолатларнинг айрим нуқталари юридик фактлар

⁸ Бернгефт Ф., Колер И., Гражданское уложение Германской империи в процессе его образования (Сенат Тип 1910).



эканлигини таъкидлади. Фактик ҳолатлар битта алоҳида фактдан иборат бўлиши мумкин, бироқ улар кўплаб фактларнинг биргаликда мавжуд бўлишидан ҳам шаклланиши мумкин⁹. Олимнинг фикрича, ҳукуқий муносабатларнинг пайдо бўлиши, ўзгариши ёки тугатилишининг ҳал қилувчи омили инсон иродаси эмас, балки ҳукуқий муносабатлар иштирокчиларига “ҳукуқий асос” берган қонун иродасидир.

Юридик фактлар концепцияси К.Ларенц ва Ф.Виакер томонидан танқид қилинди. Олимларнинг фикрича, “бу концепциянинг асосини жамиятга душман бўлган мавҳум индивидуализм ташкил этади. Механик равишда қурилган ҳукуқий муносабатлар ўрнига, халқ ҳукмдорларининг аниқ мақсадларини ҳисобга олган ҳолда, “халқ тартиби” хусусий ҳукуқ институтларидан фойдаланиш лозим эди”¹⁰.

Р.Книпер XIX асрда юридик фактлар институти катта рол ўйнаган, бироқ шахслар ўртасида юридик мажбурият муносабатларни таъминлаш учун шарт эмас, деган ҳулосага келади. Нормалар аниқ ҳукуқий оқибатларни асослаш учун қайси фактлар содир бўлиши кераклигини белгилайди. Муҳими шундаки, улар маълум бир жамиятнинг ёзма ёки ёзилмаган Конституцияси асосида “ваколатли нормалар ишлаб чиқарувчиси” томонидан ишлаб чиқилган. Қайси фактлар долзарблиги (релевантлиги) фактларнинг муайян доираси олдиндан аниқланса ва кейинчалик кенг қамровли “эмпиризм” ни истисно қилиш учун “юридик” фактлар деб номланса, уларнинг кейинги юридик ҳаракатлардан эмас, балки аниқ нормаларнинг мазмуни ҳисобга олган ҳолда аниқланади¹¹. Олмон юристларининг позициясини қўллаб-қувватлаган ҳолда Р.Книпер қуйидагиларни таъкидлайди: “шартнома тузишга нисбатан на юридик деб номланган факт, на хусусий автономия ҳукуқий муносабатларнинг вужудга келишига таъсир қилмайди. Common law (умумий ҳукуқ)да фақат қонун ёки суд қарори юридик мажбурият учун асос ҳисобланади. Шу сабабли, муаллифнинг фикрига кўра, юридик фактлар назарияси ва тушунчасига ишора қилишнинг ҳожати йўқ, чунки ўша даврдаги барча

⁹ Виндшейд Б. Учебник пандектного права (1874) 182.

¹⁰ Larenz K. Vertrag und Unrecht I (1936) 12.

¹¹ Книпер Р. Юридические факты: возникновение и упадок одного правового института в немецком праве // Юридические факты как основания возникновения, изменения и прекращения гражданских правоотношений: материалы Международной науч-практ конф в рамках ежегодных цивилистических чтений, посвященной 20-летию НИИ частного права и 10-летию КМА (Деуир-Китап 2016) – 61 б.



илмий мунозаралар XIX асрнинг ижтимоий-сиёсий ёндашувларига асосланган эди¹².

Р.Книпернинг бундай категорик баёнотига қўшилмай, биз юридик фактлар назарияси XX аср бошларида илмий қизиқиш уйғотганини таъкидлаймиз. Шундай қилиб, Е.Васковский, Д.Грим, Н.Коркунов, В.Синайский, Г.Шершеневич ва бошқа олимларнинг асарларида фуқаролик муносабатларининг пайдо бўлиши, ўзгариши ва тугатилишининг ягона ҳуқуқий концепцияси ғояси кузатилган.

Функционал жиҳатдан хорижий тадқиқотчилар ечимни “жамоавий эркин шакллантириш техникаси” сифатида белгилайдилар¹³. Шу билан бирга, турли хил ифодаланган индивидуал (якка) ирода (шахсларнинг иродаси) янги қийматга – қарорга умумлаштирилганлиги таъкидланади.

XIX асрдан бошлаб немис доктринасида умуман қарорнинг ҳам, алоҳида акциядорларнинг овозининг ҳам догматик таърифи тўғрисида тортишувлар амал қилиб келмоқда¹⁴. Аввало, қарорнинг ҳуқуқий табиати масаласи муҳокама қилинади. Суд амалиётида акс эттирилган ҳукмрон фикрга кўра, у *sui generis* юридик битими сифатида белгиланади¹⁵.

Немис тадқиқотчилари нуктаи назаридан қарорнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у хоҳиш-иродани ифодаси эмас, лекин шунга қарамай акциядорлар ёки шерикларнинг мажбурий овоз беришига, бошқача қилиб айтганда, индивидуал ироданинг ифодаланишига асосланади. Р.Борк суд амалиёти ва олмон ҳуқуқ доктринасига мурожаат қилиб, йиғилиш қарори кўп сонли паралелл, бир овоздан, мазмунан, яъни овоз бериш шаклида ифодаланган, қарор қабул қилишда иштирок этувчиларнинг иродасидан иборат эканлигини таъкидлайди¹⁶. Шу билан бирга, қарорни қабул қилишдаги якуний тўхтам учун овоз берувчиларнинг барчаси эмас, балки фақат кўпчилиги рози бўлиши керак. Шунга қарамай, йиғилиш қарорига ушбу қарорни қабул қилинишига қарши овоз берганлари мазкур қарор билан боғлиқ ҳисобланади. В.Боекен бу қарор бир неча томонлама

¹² Ўша жойда, - 62 б.

¹³ Wiedemann H. Gesellschaftsrecht. C.H. Beck, 1980. S. 176; Schmidt K. Gesellschaftsrecht. Köln; Berlin; Bonn; München, 2002. S. 434; Picout S. Relevanz oder Kausalität: Zur Beziehung zwischen dem Verstoß gegen die Rechtsordnung und der Rechtswidrigkeit eines Beschlusses von Kapitalgesellschaften bei Verfahrensfehlern. Köln, 2012. S. 6.

¹⁴ Picout S. Relevanz oder Kausalität: Zur Beziehung zwischen dem Verstoß gegen die Rechtsordnung und der Rechtswidrigkeit eines Beschlusses von Kapitalgesellschaften bei Verfahrensfehlern. – Köln: 2012. – S. 6.

¹⁵ Bork R. Allgemeiner Teil des Bürgerlichen Gesetzbuchs. Tübingen, 2006. S. 167

¹⁶ Шу жойда



ироданинг ифодаланиши билан қонуний битимни ифодалайди, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, бу йўналиш йиғилиш қарорни шартномадан ажратиб туради, бу ҳам кўп томонлама ҳуқуқий битим, лекин ўзаро ироданинг ифодаланиши билан тавсифланади¹⁷. Шунга қарамай, В. Флум олмон судларининг амалиётига мурожаат қилиб, қарор шахсий ирода ифодаланишининг йиғиндиси эмас, балки уларнинг қарор қабул қилишда иштирок этиш билан ўзаро таъсири эканлигини аниқлайди¹⁸.

Фикримизча, бу ўринда йиғилиш қарорининг битимнинг ўзига хос шакли сифатида эмас, балки фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини вужудга келишнинг мустақил асоси ҳамда юридик фактнинг алоҳида кўриниши сифатида талқин этиш тўғрироқдир. Зеро, ҳар қандай ҳолатда ҳам йиғилишда қабул қилинадиган қарор гарчи йиғилиш номидан чиқарилсада, ўзига хос ички қарама-қаршиликка эга ва уни ифодалаш жараёнида бундай қарама-қаршилиқ тегишли ҳужжатларда ифодаланади. Шундай экан, йиғилиш қарорига оид ҳуқуқий қарашлар ва қонунчиликнинг ривожланиш анъаналари ушбу ҳуқуқи категориянинг мустақил юридик факт ва ўзига хос ҳуқуқий муносабатлар мажмуи сифатида баҳолаш ва уни фуқаролик қонунчилигида умумий ва жамланган ҳолда ифодалаш заруратини кўрсатади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // <https://lex.uz/docs/6445145>
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси.//URL: <http://www.lex.uz>
3. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майдаги ЎРҚ-370-сон “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни // <https://lex.uz/docs/2382409>.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрдаги “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги 310-II-сон қонуни // <https://lex.uz/docs/22525#22970>
5. Щербинина И.В. К вопросу об иных действиях как основаниях возникновения гражданских прав и обязанностей // Право и

¹⁷ Boecken W. BGB – Allgemeiner Teil. W. Kohlhammer Verlag, 2007. S. 70–71.

¹⁸ Flume W. Allgemeiner Teil des Bürgerlichen Rechts. Bd. 1. Teil 2: Die juristische Person. Springer, 1983. S. 249.



государство: теория и практика. 2018. – № 2(158). – С. 67.

6. Огородников М.С. Правовая природа акта государственной регистрации прав на недвижимое имущество и сделок с ним: анализ концепций исследователей // Имущественные отношения в РФ. 2018. – №. 5 (200). – С. 69-80.
7. Gerner-Beuerle C., Schilling M. Comparative company law. Oxford University Press, 2019; Саидов М.Н. Масъулияти чекланган жамият иштирокчилари ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш масалалари: юрид. фан. фалс. док (PhD). дис. ... автореф. – Тошкент: 2023. – 24 б;
8. Кривушева С.С. Решения собраний как юридические факты в российском гражданском праве: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Екатеринбург: 2018. – 6 с.
9. Телешинин А.А. Решение общего собрания участников хозяйственных обществ в российском праве: дис. ... канд. юрид. наук. – М.: 2023. – 9 с.
10. Сулейменов М.К. Проблемы правового регулирования юридических лиц в Казахстане // Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения. 2015. – № 6. – С. 1103.
11. Имомов Н.Ф. Фуқаролик ҳуқуқининг янги институтлари ва новеллалари (ФКнинг I-қисми). – Тошкент: ТДЮУ, 2021. - 26 б.

